

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING  
QARORI**610 Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда халқимиз тарихига ва маънавий қадриятларига юксак ҳурмат туйғусини шакллантириш, Ватан ҳимоясига, унинг миллий хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини таъминлашга доимо шай туришга ҳамда ҳарбий хизматни ўташга тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишган ҳолда мазкур қарорга мувофиқ, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбар ва ўқитувчилари лавозимларига олий маълумотли, касбий жиҳатдан яхши тайёрланган, шунингдек, юқори тажриба ва малакага эга бўлган педагог кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумтаълим мактабларидаги мавжуд чақирувга қадар бошланғич тайёргарликка оид ўқув-моддий базани ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари балансига топшириш ва қабул қилиб олиш ишларини амалга оширсин.

3. Манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 18 декабрь,  
348-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 18 декабрдаги 348-сон қарорига  
ИЛОВА

**Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва  
уни амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек жамоат ташкилотларининг ушбу соҳадаги асосий вазифаларини ҳамда чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб ҳунар таълими маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича масъул органлар ҳисобланади.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши (кейинги ўринларда «Ватанпарвар» ташкилоти деб аталади), Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ушбу соҳада ҳамкорликни амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади.

Ҳарбий хизматга чақириладиган ва туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) иккинчи ва учинчи курс ўқувчилари (кейинги ўринларда ўқувчилар деб аталади) чақирилувчилар ҳисобланади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларининг молиялаштирилишини ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминланишини амалга оширадиган, ўқув-моддий базасини барпо этадилар, бундай тайёргарликнинг ташкил этилиши учун масъул ҳисобланадилар.

4. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик (кейинги ўринларда ЧҚБТ деб аталади) чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий

хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ташкил этилади ва олиб борилади.

5. Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашни ташкил этиш, амалга ошириш, натижаларини назорат қилиб бориш, ЧҚБТни услубий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Марказ томонидан амалга оширилади.

6. ЧҚБТ, фуқаро муҳофазаси ва тиббий билим асослари фани бўйича тайёргарлик ўқув дастуридаги мажбурий фан бўлиб, таълим муассасалари ўқувчиларига ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчилари томонидан ўқитилади.

7. ЧҚБТ жараёнида таълим муассасалари ўқувчилари:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, мамлакат мудофаа ва миллий хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларининг асосий талабларини ўрганишлари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг асосий вазифаларини, ҳарбий хизматнинг аҳамиятини, ҳарбий қасамёдни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий низомлари талабларини англаб етишлари;

фуқаро муҳофазаси асосларини, шунингдек биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини амалий ўзлаштириб олишлари;

ҳарбий қисмлардаги мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг асосий тактик ва техник тавсифлари, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик ҳаёти ва хизмат фаолияти билан танишишлари;

замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника намуналарини қисқа муддатларда ўзлаштириб олишга шай бўлишлари;

ўзлари билан олиб бориладиган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларни чуқур англаб етишлари ва ўзлаштиришлари лозим.

## **II. ЧҚБТни ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш бўйича масъул органлар ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифалари**

8. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликларининг ЧҚБТни ташкил этиш ва уни амалга оширишда асосий вазифалари ҳисобланади:

ЧҚБТ тадбирларини молиялаштириш, моддий-техника жиҳатдан таъминлаш, моддий-ўқув базани барпо этиш;

ҳар йили таълим муассасалари ўқувчилари билан олиб борилаётган ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларга оид ўқув-моддий базани яратиш ва уни янада такомиллаштиришга доир қарорлар қабул қилиш, тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

Марказ ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларга оид идоравий ҳужжатларни, текширув ишларининг натижаларини, камчи-

лик ва муаммоли масалаларни ўрганиб чиқиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

ЧҚБТни ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича масъул органлар ва жамоат ташкилотлари томонидан ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг ҳамкорликда олиб борилишини мувофиқлаштириб бориш.

9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

ЧҚБТ тадбирларининг режалаштирилишига ва ўз вақтида бажарилишига раҳбарлик қилади, ЧҚБТ ишларини мувофиқлаштиради;

Марказ томонидан ЧҚБТ дастурини тайёрлаш жараёнида иштирок этади; таълим муассасаларини ҳарбий мавзулардаги ўқув-услубий фильмлар ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Умумҳарбий низомлар, қонунчилик ҳужжатлари), қўлланмалар, тавсиялар ва кўрсатмалар билан таъминлайди;

таълим муассасаларини ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасаларига бириктириш тўғрисида тегишли буйруқлар чиқаради;

ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчилари иштирокидаги ўқув йиғинларини ташкиллаштиради ва ўтказиши;

таълим муассасалари ўқувчиларининг уч кунлик ўқув-дала машғулотларини ўтказиш жараёнига амалий ёрдам кўрсатади;

таълим муассасалари ўқувчиларини муддатли ҳарбий хизматчи ва курсантларнинг кундалик фаолияти, уларнинг маиший таъминоти, шунингдек курол-аслаҳа, ҳарбий техника намуналари билан таништириб бориш мақсадида таълим муассасалари билан ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ЧҚБТга оид курол-яроғ ва ўқ-дорилар ҳисобини юритишга, уларни сақлаш ва топширишга оид йўриқномаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек соҳага доир тавсиялар ҳамда кўрсатмалар тайёрлайди;

ҳар йили ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларнинг ҳолатини ўрганади ва доимий равишда назорат қилиб боради;

ЧҚБТ фани ўқитувчиларини саралаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларида таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатади.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

тиббий билим асослари фани ўқитувчиларини саралаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларида таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатади;

таълим муассасаларини тиббий билим асослари бўйича зарур кўргазмали воситалар, биринчи тиббий ёрдамга оид ўқув-услубий фильмлар билан таъминлайди;

даволаш-профилактика муассасаларини тиббиёт йўналишидаги таълим муассасалари ўқувчилари билан амалий машғулотлар олиб бориладиган ўқув базаси сифатида таълим муассасаларига бириктиради;

таълим муассасалари ўқувчиларининг йиллик тиббий кўригини ҳудудий ўсмирлар диспансерлари раҳбарлари назоратида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг чақирув комиссияларига жалб қилинувчи шифокор-мутахассислар томонидан туман (шаҳар) чақирув пунктларида ўтказиши;

амбулатория-поликлиника тизимида ўсмирлар орасида даволаш-соғломлаштириш ишларини олиб боради, тизимни такомиллаштиради ҳамда шифокорларнинг ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатишга оид малакаларини мунтазам ошириб боради;

Марказ билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерлари ҳамда ўсмирлар даволаш-профилактика муассасаларини тажрибали ва малакали шифокор-мутахассислар ҳамда тиббий ходимлар билан таъминлайди;

ўсмирларни стационар шароитларда даволаш ва соғломлаштириш ишларини белгиланган тартибда амалга оширади;

таълим муассасаларида ташкил этилган тиббиёт хоналарини ўқув дастурида назарда тутилган тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан Марказнинг ҳудудий бошқармалари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таъминлаб боради.

11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

таълим муассасаларида фуқаро муҳофазасига оид амалий машғулотларни ўтказишда соҳа мутахассислари, шунингдек техник воситалар билан амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;

Марказ томонидан ЧҚБТ дастурини тайёрлаш жараёнида, шунингдек таълим муассасаларини фуқаро муҳофазасига оид ўқув ҳамда услубий қўлланмалар, кўргазмалар воситалар билан таъминлаш ишларида иштирок этади;

таълим муассасалари директорлари, ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчиларининг Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида қайта тайёргарликдан ўтишини ва малака оширишини ташкиллаштиради;

таълим муассасалари ўқувчиларида амалий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида ҳар йилги «Фуқаро муҳофазаси» кунларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатади;

фуқаро муҳофазасига, ҳарбий-ватанпарварлик ва жисмоний тарбияга оид ўқув-моддий базани такомиллаштириш ишларида қатнашади.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

таълим муассасаларига жисмоний тайёргарлик ишлари, спорт мусобақалари ва тадбирларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатади;

таълим муассасалари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлик ҳолатини таҳлил қилиб боради, жисмоний тайёргарлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

таълим муассасалари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигига оид ўқув-услубий қўлланмаларни ЧҚБТ таълими билан узвий боғлаган ҳолда тайёрланишини ташкил қилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

таълим муассасаларининг ЧҚБТ ўқув хоналарини жиҳозлар, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар ва кўргазмалар воситалар билан таъминлайди, уларни доимий равишда такомиллаштириб боради;

таълим муассасалари ўқувчиларининг ЧҚБТ, ҳарбий-ватанпарварлик

руҳидаги тарбияси ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тадбирларини сифатли ташкил этилишини таъминлайди;

ЧҚБТ дастурини, ушбу фанга оид дарсликлар, тавсиялар, ўқув-услубий ва кўргазмали воситаларни, ўқув фильмларини тайёрлайди ҳамда таълим муассасаларини улар билан таъминлайди;

таълим муассасалари ихтиёрига берилган ўқув қурол-яроғлар, кичик калибрили ҳамда пневматик милтиқлар, уларда қўлланиладиган патронлар бут сақланаётганлигини назорат қилиб боради;

таълим муассасалари ўқувчиларида мардлик, чакқонлик, кучлилиқ ва чидамлилиқ сифатларини ривожланишига омил бўладиган жисмоний тарбиянинг ЧҚБТ билан боғлиқлигини таъминлайди;

ЧҚБТнинг якуний босқичида таълим муассасалари ўқувчилари иштирокида уч кунлик ўқув-дала машғулотларини ташкиллаштиради ва ўтказиши;

ЧҚБТ бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини доимий равишда ўрганиб боради ҳамда ижобий хусусиятларини республика таълим муассасаларига жорий этиш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда тиббий билим асослари фани ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилади ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда таълим муассасаларининг ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига тайинландиган номзодларни танлайди, ушбу фан ўқитувчиларининг услубий ва касбий тайёргарлигини ташкиллаштиради, уларни аттестациядан ўтказиши;

ЧҚБТ бўйича намунали ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчиларини Давлат мукофотларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Марказнинг мукофотларига тавсия этади.

#### 14. «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши:

ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларнинг олиб борилишини, шунингдек тадбирларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади;

ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига оид кўргазмали воситалар ишлаб чиқилишида иштирок этади;

таълим муассасалари мурожаатларига асосан, таълим олувчи ёшларнинг қизиқишига кўра спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт секциялари ва тўғарақлари фаолиятини йўлга қўйишида амалий ёрдам кўрсатади;

зарурат бўлганда, таълим муассасаларига ЧҚБТ бўйича ўз тасарруфидаги ўқув-моддий базасидан фойдаланишларига белгиланган тартибда рухсат беради.

15. Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди:

таълим муассасалари ўқувчиларига Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда Ватанга чуқур муҳаббат ва ватанпарварлик, юксак маънавий-

рухий, фаол ҳаётӣй позиция, диний экстремизм ва фундаментализм ғояларига қарши иммунитет ҳосил қилиш, ҳарбий бурчни онгли равишда бажаришга бўлган муносабатни шакллантириш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг аниқ мақсади ва моҳиятини англаб етиш, шунингдек юрт келажаги ва тақдири учун юксак жавобгарлик ҳисси каби фазилатларни шакллантиришга оид тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради;

таълим муассасалари ўқувчиларида юксак фуқаролик позициясини, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари билан ғурурланиш туйғусини шакллантириш мақсадида катта ҳаётӣй тажрибага эга бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар ўтказилади;

доимий равишда таълим муассасаси ўқувчиларининг муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаган ҳарбий хизматчилар билан учрашувларини ташкил этади ва ўтказилади;

таълим муассасалари ўқувчиларини спорт турлари бўйича жорий этилган секцияларга жалб этиш ишларини ташкил қилади;

мамлакатимиз ҳудуди ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги, ҳарбий хизмат, унинг ижобий хусусиятлари, шунингдек ҳарбий хизматчилар учун жорий этилган имтиёзлар тизими тўғрисида таълим муассасалари ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида тушунтириш ишларини олиб боради;

таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида оммавий равишда тарбиявий, маънавий-маърифий ва ҳарбий-спорт тадбирларини (ёшлар форумлари, танловлар, спорт мусобақалари) ташкил этади ва ўтказилади.

### III. ЧҚБТни ташкил этиш ва уни амалга ошириш

16. Таълим муассасалари ўқувчиларининг ЧҚБТга жами 140 ўқув соати ажратилади, машғулотлар ҳар ҳафтада икки соатдан ўтказилади.

Таълим муассасалари ўқувчиларининг ўқув машғулотлари вақтида ўзлаштирган билим, кўникма ва маҳоратлари ҳарбий иш асосларини ўрганиш тўғарақлари, спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича секциялар ва ҳарбий-спорт мусобақалари давомида мустаҳкамланади.

17. Таълим муассасаларида ЧҚБТ фани ўғил болалар билан, фуқаро муҳофазаси бўлимига доир машғулотлар ўғил болалар ва қизлар билан биргаликда, тиббий билим асослари бўйича машғулотлар эса фақат қизлар билан ўтказилади.

18. Таълим муассасаларида ЧҚБТ режаси бутун ўқув йили учун ҳафта-ларга тақсимланган ҳолда ишлаб чиқилади, шунингдек умумий дарс жадвалига киритилган ҳолда ўқув гуруҳларига бўлиниб ўтказилади, ушбу гуруҳлар ўқувчилар сонига кўра секцияларга бўлинади. Таълим муассасаси директорининг буйруғига мувофиқ энг ибратли ўқувчилар орасидан гуруҳ ва секция командирлари тайинланади.

19. ЧҚБТнинг якуний босқичида ушбу фан учун ажратилган вақт ҳисобидан таълим муассасасининг учинчи курс ўғил болалари билан уч кунлик ўқув-дала машғулотлари ўтказилади.

Бунда таълим муассасалари ўқувчиларининг ушбу фан бўлимларига оид назорат меъёрларини бажариш бўйича кўникмалари синовдан ўтказилади. Ушбу мақсадда тегишли таълим муассасасига бириктирилган ҳарбий қисм ва спорт ташкилотларининг ўқув-моддий базаларидан фойдаланиш мумкин.

20. Таълим муассасалари ўқувчиларига қуролдан ўт отишни ўргатиш машғулоти фақат ўт отиш майдонларида ёки тирларда «Ўқли қуроллардан ўт отиш курси» талабларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтказилади. Таълим муассасаси ихтиёридаги кўчмас тирда ташкил этиладиган отиш тайёргарлиги машғулоти фақат пневматик ва кичик калибрли милтиқлар қўлланилади.

Бундай машқларни амалий бажаришга фақат ўт отиш машқларининг шартлари ва хавфсизлик қоидаларига оид билим ва кўникмалар синовидан муваффақиятли ўтган ўқувчиларга рухсат берилади.

21. Ўт отиш майдони, ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасаси ихтиёридаги тирда ўқувчилар иштирокида ўтказилган бошланғич ўқув-отиш машқларини ўтказиш фақат ҳарбий қисм командири ёки олий ҳарбий таълим муассасаси бошлиғи томонидан, ушбу машқлар маъмурияти (ўт отиш машғулоти раҳбари, навбатчи шифокор, қуршов гуруҳи ва шу кабилар) тайинлангандан сўнг ташкиллаштирилади.

22. Таълим муассасалари ўқувчиларининг ЧҚБТ фани бўйича эгаллаган назарий билим ва амалий кўникмалари бошқа умумтаълим фанлари учун белгиланган меъёрий баҳолаш тизимида мувофиқ баҳоланади. Ўқувчининг уч кунлик ўқув-дала машғулоти давомида олган умумий баҳоси ЧҚБТ фани бўйича олган якуний баҳоси ҳисобланади.

23. ЧҚБТ курси якунида таълим муассасаси директорининг тегишли буйруғи чиқарилиб, унда ўтказилган ўқув-дала машғулоти натижалари таҳлил қилинади, ЧҚБТ фани дастурига баҳо берилади ва ўқув йилига яқун ясалади.

24. Таълим муассасаларида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишлар таълим муассасалари ўқувчилари қалбида Ватанга содиқлик, юрт тарихига ва халқимизнинг эзгу анъаналарига ҳурмат билан қараш туйғуларини шакллантириш, уларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига сўзсиз амал қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек улар ўртасида юрт анъаналарини тарғиб қилиш, ҳарбий хизматга ҳурмат билан қараш, юксак маънавий-ахлоқий сифатлар, ҳарбий қасамёд ва умумкўшин низомларида баён этилган талаблар ижросига масъулият билан ёндашиш фазилатларини, интизомлилик, жасурлик, ташаббускорлик ва Ватан ҳимоясига шайлик сифатларини тарбиялаш мақсадларида ташкил этилади ва олиб борилади.

Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишлар таълим муассасалари ўқувчиларининг ЧҚБТ фани билан уйғунлаштирилиб, улар томонидан ҳарбий ишнинг сир-асрорлари, шу жумладан оммавий қирғин қуроллари таъсиридан сақланиш восита ва усуллари, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келган шароитда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар пухта ўзлаштириладиган тарзда ташкил этилади.



25. Таълим муассасаларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларнинг турли шакл ва усуллари қўлланилади, соҳага доир тадбирлар юксак ташкилий ва ғоявий савияда, самарали, юқори сифат билан бажарилишига қаратилган чоралар мунтазам равишда амалга оширилади.

Таълим муассасалари билан ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилади, таълим муассасалари ўқувчилари орасида ҳарбий касбни тарғиб этишга доир ташвиқот ишлари фаол олиб борилади.

26. Таълим муассасалари юксак ғоя ва долзарб мавзуларга бой, юрти-мизда юз берган энг муҳим сиёсий воқеа ва жараёнлар, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги мавзу ва фуқаро муҳофазаси асослари акс эттирилган, шунингдек ўзбек халқининг ютуқлари, уруш ва жанговар ҳаракатлар иштирокчилари, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик аълочилари сифатида эътироф этилган ҳарбий хизматчилар акс эттирилган кўргазмали материаллар билан жиҳозланади.

#### **IV. ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчиларини танлаш ва тайинлаш**

27. ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига тайинланадиган номзодлар таълим муассасаси томонидан туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда танланади. Бунда номзоднинг маълумоти, ҳарбий, жисмоний ва педагогик тайёргарлигининг савияси, шунингдек ташкилотчилик қобилияти ҳамда услубий кўникмалари пухта шаклланганлиги ҳисобга олинади.

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига олий таълим муассасаларининг «Чақириққача ҳарбий таълим» йўналишларини тамомлаган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги тажрибали офицерлар тайинланади.

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига юқорида қайд этилган талаблар бўйича ишга олиш имкони бўлмаган ҳолатларда, истисно тариқасида, педагог мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган захирадаги (резервдаги) оддий аскар ёки сержант ҳарбий унвонидаги шахслар тайинланиши мумкин.

28. Тиббий билим асослари фани ўқитувчиси лавозимига тайинланадиган номзодлар таълим муассасаси томонидан, туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда тажрибали тиббиёт ходимлари ёки фуқаро муҳофазаси йўналишидаги тиббий ҳамшира дастури бўйича таҳсил олган ўқитувчилар орасидан танланади ва тайинланади.

#### **V. Таълим муассасаларининг ЧҚБТ ва тиббий билим асослари фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш**

29. Таълим муассасаларининг ЧҚБТ ва тиббий билим асослари фани ўқитувчиларини малакасини ошириш:

таълим-тарбия жараёнини ташкиллаштириш ва олиб бориш сифатини янада ошириш;

услубий маҳоратни такомиллаштириш борасида тўпланган тажрибалар билан ўзаро ўртоқлашиш;

харбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг илғор усулларини тарғиб этиш ва амалиётда қўллаш масалаларига ягона тарзда ёндашилишини шакллантириш мақсадларида амалга оширилади.

30. ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш ўз ичига, уларни олий таълим муассасалари ҳузуридаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олиши, шунингдек, ҳар йили ўтказиладиган беш кунлик ўқув-услубий йиғинлар, ҳар ойда бир марта ўтказиладиган услубий машғулотлар, таътил вақтида ўтказиладиган уч кунлик семинар каби услубий тайёргарликларни қамраб олади.

31. ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш курслари «Чақирикқача харбий таълим» йўналишлари мавжуд бўлган олий таълим муассасаларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида ташкил этилади.

32. Олий таълим муассасалари ҳузуридаги курсларда таҳсил олишга ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчилари ҳар уч йилда бир марта жалб этилади.

Бундай курслардаги машғулотлар:

олий таълим муассасалари ҳузуридаги курслар фаолият юритадиган ҳудудлардаги таълим муассасаларида ишлайдиган ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчилари учун — ишдан ажралмаган ҳолда, ўзаро алмашув йўли билан машғулот ўтказилмайдиган кунларда;

олий таълим муассасалари ҳузуридаги курслар фаолият юритмайдиган ҳудудлардаги таълим муассасаларида ишлайдиган ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчилари учун — таътил вақтида бошқа ўқитувчилар билан биргаликда умумий белгиланган тартибда ташкил этилади.

Ушбу курслардаги машғулотлар интеллектуал салоҳиятга эга бўлган энг малакали ва тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Алоҳида мавзуларга оид машғулотларни ўтказиш учун харбий қисмлар, олий харбий таълим муассасалари ва мудофаа ишлари бошқармалари офицерлари жалб этилиши мумкин.

33. Беш кунлик ўқув-услубий йиғинлар барча ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчилари билан ўқув йили бошланишидан олдин намунали таълим муассасасида ташкил этилади ва ўтказилади.

Йиғинлар дастури Марказнинг ҳудудий бошқармалари томонидан ишлаб чиқилади ва мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ушбу йиғинлар давомида ўтган ўқув йили бўйича ЧҚБТ яқунлари таҳлил этилади, янги ўқув йили учун вазифалар белгиланади ҳамда ташкилий-услубий ҳужжатлар ўрганилади, кўргазмалари, услубий, амалий ва бошқа

машғулотлар ўтказилади. Йиғин иштирокчилари таълим муассасалари ўқувчиларининг таълим-тарбиясини ташкиллаштириш ва олиб бориш соҳасида тўплаган ўз тажрибалари билан ўзаро ўртоқлашади. Йиғиннинг якуний босқичида ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчилари тайёргарлигининг савияси текширилади.

34. ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчилари билан ҳар ойда бир марта ўтказиладиган услубий машғулотлар туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими томонидан таълим муассасаси директорлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Бундай машғулотлар ўтказиладиган жой ва сана мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи томонидан Марказнинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Унда ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчиларига амалий ҳамда кўргазмали машғулотлар, очиқ дарс ва семинарлар ўтказилади, ЧҚБТ дастурига киритилган мавзуларга оид маърузалар ўқилади. Бундай машғулотларга резервдаги (истеъфодаги) генерал ва офицерлар, ЧҚБТ фани бўйича тажрибали ўқитувчилар, ҳарбий қисмлар ва олий ҳарбий таълим муассасаларининг тажрибали офицерлари жалб этилиши мумкин.

35. ЧҚБТ фани раҳбарлари ва ўқитувчиларининг уч кунлик семинари ҳар йили қишки таътил вақтида Марказнинг ҳудудий бошқармалари томонидан, мудофаа ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этилади ва ўтказилади.

Мазкур семинарда ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчилари ЧҚБТ ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбияни ташкиллаштириш борасида тўплаган тажрибалари билан ўзаро ўртоқлашадилар.

36. ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси таълим муассасасининг ЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари фанлари методикасини такомиллаштириш комиссияси ишларида иштирок этади.

ЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари фани ўқитувчиларининг маънавий-маърифий тайёргарлик савиясини ошириб бориш, услубий маҳоратларини янада такомиллаштириш, таълим муассасалари ўқувчилари билан олиб борилаётган таълим-тарбия ишларидаги илғор тажрибаларни ўзлаштириб, соҳа амалиётига жорий этиш ушбу комиссия олдида турган асосий вазифалар ҳисобланади.

37. ЧҚБТ фани раҳбари ҳамда ўқитувчисига услубий ишларни ва фанга оид ўқув-моддий базани янада такомиллаштириш, шунингдек услубий ишларга оид шахсий топшириқларни бажариш, услубий қўлланмалар яратиш, навбатдаги мавзуларга оид машғулотларга тайёргарлик кўриш, соҳага оид тўпланган шахсий тажрибани умумлаштириш учун иш ҳафтасининг бир куни ажратилади.

38. ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси, шунингдек тиббий билим асослари фани ўқитувчилари билан ўқув йили бошланишидан олдин ва қишки таътил вақтида бир кунлик услубий машғулотлар ўтказилади.

Унда тиббий билим асослари фани ўқитувчиларига услубий йўл-йўриқ-

лар берилади, улар билан амалий, кўргазмали ва семинар машғулотлари ўтказилади, ЧҚБТ дастурига оид маърузалар ўқилади.

## **VI. Таълим муассасалари мансабдор шахсларининг мажбуриятлари**

39. Таълим муассасаси директори ёшларнинг ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиясини пухта ташкиллаштирилиши, сифатли ўтказилиши, соҳага доир ижобий натижаларга эришилиши, таълим муассасаси ихтиёрига берилган ўқув қурол-яроғлари, кичик калибрли ва пневматик милтиқлар, уларда қўлланиладиган патронлар бут сақланиши учун жавоб беради.

40. Таълим муассасаси директори зиммасига ЧҚБТ соҳасида қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

ўқув-тарбиявий жараёни ўз вақтида режалаштирилиши, ташкил этилиши ҳамда ЧҚБТ дастурини тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ЧҚБТ фани учун хона, ушбу тайёргарликнинг амалий масалаларини ўтказиш учун жой ва майдонлар ажратиш, шунингдек ушбу фанга оид ўқув-моддий базани мазкур Низом ҳамда ЧҚБТ дастурида белгиланган талабларга мувофиқ мунтазам равишда такомиллаштириб бориш чораларини кўриш;

таълим муассасаларида «Шон-шараф бурчаги» ёки «Жасорат музейи»ни ташкил этиш ва уларнинг жиҳозланишини қатъий назоратга олиш;

таълим муассасаси ихтиёрига берилган ўқув қурол-яроғлар (кичик калибрли ва пневматик милтиқлар, уларда қўлланиладиган патронлар) ҳисобини тегишли йўриқнома талабларига мувофиқ юритилиши, сақланиши, таъмирланиши ва ҳисобдан чиқарилишини ташкиллаштириш, шунингдек ҳар уч ойда бир марта уларнинг мавжудлиги, ҳисоби тўғри юритилаётгани, талаб даражасида сақланаётгани ва техник ҳолатини шахсан текшириб бориш;

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчисига ўқув-услубий жиҳатдан ёрдам бериш, ушбу фаннинг бошқа фанлар билан узвийлигини, шунингдек тўғарак ишлари ташкил этилиши ва олиб борилишини таъминлаш;

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси томонидан ўтказилаётган дарслар ва ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши сифатини мунтазам текшириб бориш, улар билан олиб борилаётган ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларнинг ҳолатини ўқув семестри давомида ўтказиладиган педагоглар кенгашларда (йиғилиш ва мажлисларда) муҳокама этиб бориш;

шаклан ва мазмунан турли ҳарбий-спорт мусобақаларини мунтазам равишда ташкил этиш ва ўтказиш;

ЧҚБТ фани бўйича ўқишнинг бошланиши ва якунлари, гуруҳларни тузиш, гуруҳ ва секция командирларини тайинлаш, кичик калибрли ва пневматик милтиқлардан ўт олиш машғулотларини ташкиллаштириш ва ўтказиш, бир ойлик ҳарбий-ватанпарварлик ойлигини ташкил этиш, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тарғибот-ташвиқот ва номзодларни

саралаб олиш ишларини ташкиллаштириш ҳамда ўтказиш, «Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича энг яхши таълим муассасаси ва энг яхши ўқитувчи» кўрик- танловларини, шунингдек, уч кунлик ўқув-дала машғулотлари ҳамда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг дастлабки босқичини ташкил этиш ва ўтказиш, ЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари фанлари методикасини такомиллаштириш комиссиясини тузиш бўйича буйруқларни ўз вақтида чиқариш;

ЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари фанлари методикасини такомиллаштириш комиссияси фаолиятини ташкиллаштириш ва ушбу фаолиятни назорат қилиб бориш;

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими ва бошқа ҳисобот бериладиган органларга ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишлар тўғрисида ҳисобот бериш.

41. ЧҚБТ фани раҳбари (таълим муассасасида ЧҚБТ раҳбари лавозими бўлмаган тақдирда, ЧҚБТ раҳбарининг вазифаси ЧҚБТ ўқитувчисига юкланади) таълим муассасаси директориға бўйсунди, таълим муассасаси ўқувчиларининг ЧҚБТ, шунингдек таълим муассасаси ихтиёриға берилган ўқув қурол-яроғлар (кичик калибрли ва пневматик милтиқлар, уларда қўлланиладиган патронлар) ҳисобини тўлиқ юритилиши, сақланиши ва топширилиши, қурол-яроғ ва ўқ-дори қўлланилган тарзда ўтказиладиган машғулотлар давомида амал қилиниши лозим бўлган хавфсизлик чораларига қатъий риоя этилиши учун бевосита жавоб беради.

ЧҚБТ фани раҳбари зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

ўқув ва дарсдан ташқари соатлар давомида ЧҚБТ машғулотларини шахсан ташкиллаштириш ва олиб бориш, ҳарбий иш асосларини ўзлаштириш тўғрисида ҳамда ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича секциялар фаолиятиға раҳбарлик қилиш;

маънавий-маърифий, ҳарбий ва педагогик билимларни мунтазам ошириб бориш, услубий кўникмаларни такомиллаштириш;

ҳарбий ва фуқаро муҳофазаси хоналарига раҳбарлик қилиш, шунингдек қурол сақлаш ва отиш тири хоналарини назорат қилиш;

таълим муассасаси ихтиёриға берилган ўқув қурол-яроғлар (кичик калибрли ва пневматик милтиқлар, уларда қўлланиладиган патронлар) ҳисобини тегишли йўриқнома талабларига мувофиқ юритиш, сақлаш, ҳар ойда бир марта уларнинг мавжудлиги ва техник ҳолатини шахсан текшириб бориш, таъмирланиши ва ҳисобдан чиқарилишини ўз вақтида, белгиланган тартибда ташкиллаштириш;

таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларини таълим муассасаси педагоглар жамоаси билан ҳамкорликда олиб бориш;

жисмоний тарбия фани ўқитувчиси билан ҳамкорликда таълим муассасаси микёсида шаклан ва мазмунан турли ҳарбий-спорт мусобақаларини мунтазам ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

мерганлик, ҳарбий-амалий спорт турлари ва фуқаро муҳофазаси бўйича

туман (шаҳар) миқёсида ўтказиладиган мусобақаларни ташкиллаштириш ишларида иштирок этиш;

ўқувчиларнинг ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларнинг сифатини ошириш мақсадида таълим муассасасига бириктирилган ҳарбий қисм, олий ҳарбий таълим муассасаси ва жамоат ташкилотлари ёрдамидан доимий равишда фойдаланиш, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчиларни танлаш ва тайёрлаш ишларида муҳофаа ишлари бўлимига яқиндан ёрдам бериш, гуруҳ раҳбарлари билан ҳамкорликда чақирув участкасида қайд этилиши лозим бўлган ўсмирларга тавсифномалар тайёрлаш.

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси дарсдан ташқари вақтда таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиясини ташкиллаштириш борасида ўқувчилар тарбияси бўйича масъул (директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари), жисмоний тарбия ўқитувчиси, гуруҳ раҳбарлари, ишлаб чиқариш таълими усталари ва таълим муассасасининг педагоглар жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчисининг кундалик иш фаолияти дарслар жадвали, дарсдан ташқари вақтда амалга ошириладиган асосий тадбирлар режаси ва таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланадиган шахсий иш режаси асосида олиб борилади.

ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси таълим муассасасида жорий этилган навбатчилик хизматида жалб этилиши мумкин. Унинг зиммасига мазкур Низомда назарда тутилмаган бошқа мажбуриятлар юкланмайди.

## **VII. ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчисининг ҳуқуқ ҳамда имтиёзлари**

42. Таълим муассасаси ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчисининг педагогик иш стажига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларида ўтаган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддати қўшилади.

43. ЧҚБТ хонаси раҳбари ҳисобланган ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчисига амалда жорий этилган қўшимча ҳақ тўлаш тизими қўлланилади.

44. ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчисига республика таълим муассасалари бошқа фан ўқитувчилари учун назарда тутилган барча имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар татбиқ этилади.

45. Олий таълим муассасаларининг «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналишларини тамомлаб офицер унвонига эга бўлган, ҳақиқий ҳарбий хизматдан резерв ёки истеъфога бўшатилиб, таълим муассасалари ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиси лавозимида тайинланган резервдаги ва истеъфодаги офицерларга, шунингдек ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчиларига Умумҳарбий низомларда белгиланган тартибда ва амалда бўлган ҳарбий кийим кийиб юриш ҳуқуқи берилади.

### **VIII. ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларнинг назорати**

46. ЧҚБТ ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Марказ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

47. Таълим муассасасида текшириш ишлари Мудофаа вазирлиги томонидан йилда бир марта, икки кундан кам бўлмаган муддатда амалга оширилади. Текширув давомида таълим-тарбия жараёнининг тўғри ташкил этилганлиги, ЧҚБТ дастурининг тўлиқ бажарилаётганлиги, ўқув материалларининг таълим муассасаси ўқувчилари томонидан ўзлаштирилиши сифати, таълим муассасаси ўқувчиларининг ушбу фандаги иштироқи, ЧҚБТ фани раҳбари ва ўқитувчисининг услубий тайёргарлик савияси, машғулотларнинг ўтказилиш сифати, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ҳамда жисмоний тайёргарлик ишларнинг, шунингдек ўқув-моддий базанинг ҳолати ўрганиб чиқилади.

48. Текшириш ишлари якуни бўйича беш нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг биттадан нусхаси тегишли равишда туман (шаҳар) ҳокимлигига, таълим муассасасига, мудофаа ишлари бошқармасига, мудофаа ишлари бошқармаси орқали Марказнинг ҳудудий бошқармасига юборилади, бир нусхаси эса туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимида сақланади.

### **IX. Якунловчи қоида**

49. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришади.